



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI TOSHKENT VILOYATI HOKIMINING QARORI

2021 йил «30» август

102-10-0-Q/21

Тошкент вилояти ҳокимилиги

Давлат идоралари ва ташкилотларига ер майдони

ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддаси ва “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 10, 25-моддаларига асосан, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 30 апрелдаги “2021-2023 йилларда Тошкент вилоятининг Нурафшон шаҳрида муҳандислик коммуникация ҳамда ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 260-сон ва 2019 йил 16 ноябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш ҳамда ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 911-сон қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида, **қарор қиламан:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 30 апрелдаги “2021-2023 йилларда Тошкент вилоятининг Нурафшон шаҳрида муҳандислик коммуникация ҳамда ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 260-сон қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. “Тошкент вилояти йўллардан мунтазам фойдаланиш” унитар корхонасига автобаза ва бошқа бино-иншоотлар қурилиши учун Қибрай тумани, Саксонота массиви ҳудудидаги қишлоқ хўжалиги харитасининг 101қ-контуридан 1,0 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони;

Тошкент вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармасига “Махсус тиббий таъминот базаси” қурилиши учун Пискент тумани Гулистон МФЙ ҳудудидаги 3,0 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиб берилсин.

3. “Тошкент вилояти йўллардан мунтазам фойдаланиш” унитар корхонаси (Қ.Рашидов) ва Тошкент вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси

(Т.Арзикулов):

а) ажратилган ер майдонига қурилиш лойиҳа ҳужжатларини белгиланган тартибда расмийлаштириш;

б) ажратилган ер майдонларида қурилиш ишларини тегишли ваколатли ташкилотлар томонидан берилган лойиҳалар ва техник шартларга амал қилган ҳолда амалга ошириш вазифалари юклатилсин.

4. Мазкур қарор тегишли тартибда ижро этишлик учун Пискент тумани (Р.Рихсиев) ва Нурафшон шаҳар (М.Салиев) ҳокимликларига юборилсин.

5. Вилоят Кадастрлар Палатаси (Ж.Ахроров) мазкур қарорга асосан ер майдонларига бино ва иншоотларининг кадастр ҳужжатларига тегишли тартибда ўзгартириш киритган ҳолда қайтадан расмийлаштириш чораларини кўрсин.

6. Ушбу қарор тасдиқлаш учун халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиясига киритилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Ш.Ҳакимов зиммасига юклансин.

Toshkent viloyati hokimi



Д. Хидоят